



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 228 (7969). ♦ 1 декабрь, 1982 йил • ЧОРШАНБА

Баҳоси 3 тийин.

ИЛҲОМБАХШ ҲУЖЖАТ

Шу кунларда фермада коллективни олаётганини барча меҳнатчилари қатори кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдалар. Чунки, яқинда бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленумида ўртоқ Ю. В. Андропов катта нутқ сўзлаб, биз чорвадорларнинг ишига ҳам муносиб баҳо бериш билан бир қаторда, ҳал этилиши лозим бўлган айрим масалаларни кўрсатиб ўтди.

Биз ферма коммунистларининг йилигини ўтказиб, Пленум материалларини атрофлича чуқур ўрганиб чиқиб, келгуси ишларимизга программ-ҳужжат сифатида қабул қилдик. Ташаббускор сўз соғувчиларимиздан Г. Тўйматов, Р. Салимгарея, У. Дадабоева, С. Фатхуллоева ва бошқалар йиллик планларини бажариши, айни кунларда қўшимча маж-

бурият ҳисобига меҳнат қил-
янтлар. Коллективимиз эса
давлатга ўшғи топириш
планини 159 процент, сўт
топириш планини 101 про-
цент бажариб қўйди.

Ҳозирги кунда фермада

да чорва қишлови намунали

олиб бориляпти.

М. АСАДОВА.

Тошкент районидаги «Тош-

кент» совхози сўт-товар фер-

масининг мудир.



Тошкент, 30 ноябрь. Ўзини чақирқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси мажлислар залида.

ЎТАГ фотохроникаси.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислари тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1982 йил 30 ноябрь куни Тошкентда ўзини чақирқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси бўлиб ўтди.

Ҳукумат локаларида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоллик кандидатлари Е. Айтмуратов, И. Г. Анисимкин, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмойхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Махмудова, Л. Н. Мелкумов, У. Умаров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг ва республика ҳукуматининг аъзолари ўтиришди.

Мажлиси Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси депутат А. А. Хўжаев очди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети раисининг ўринбосарлари, депутатлар Т. Охунова, С. К. Каньязов, М. Маткаримов, М. П. Павлов раис сўзи билан жой оладилар.

Депутатлар коммунистик партия ва совет давлатининг атоқли арбоби, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг энг таниқли раҳбари, халқлар тинчлиги ва дўстлиги учун тоғмас курашин Леонид Ильич Брежневнинг хотирасини бир дақиқа сўкут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар.

Мандат комиссиясининг раиси депутат З. Исроилованинг комиссия номидан қилган доклады юзасидан Олий

Совет Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1982 йил 30 июлда 274-Ўзбекистон сайлов округидан сайланган депутат Б. Аламуратовнинг, 1982 йил 20 июнда 381-Ўзбекистон сайлов округидан сайланган депутат А. М. Худойбердиевнинг, 1982 йил 19 сентябрда 434-Қўша сайлов округидан сайланган депутат Б. А. Наврузовнинг, 1982 йил 3 октябрда 135-Бўз сайлов округидан сайланган депутат С. А. Нишоновнинг ваколатларини ҳақиқий деб топиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилди.

Сессиянинг қуйидаги кун тартиби бир овоздан тасдиқланди:

1. 1983 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани тўғрисида ҳамда 1982 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани қандай бажарилаётганили ҳақида.

2. Ўзбекистон ССР 1983 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССР 1981 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида.

3. Ўзбекистон ССР Олий Советининг энергетика доимий комиссиясини тuzиш тўғрисида.

4. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

1983 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани тўғрисида ҳамда 1982 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани қандай бажарилаётганили ҳақида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари,

республика Госплани раиси депутат Қ. А. Аҳмедов доклад қилди.

Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССР 1981 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақида Ўзбекистон ССР Молия министри депутат В. Муродхўжаевнинг доклады тинглади.

Депутатлар план-бюджет комиссияси раисининг ўринбосари депутат Ш. Ёқубовнинг Олий Совет план-бюджет ва бошқа доимий комиссиялари номидан қилган қўшимча докладыни ҳам тингладилар.

Кун тартибидagi дастлабки икки масала юзасидан докладынинг муҳокамасида депутатлардан К. П. Дудин (3-Фарҳод сайлов округи), С. Х. Ҳамроқулов (344-Даштақиболо сайлов округи), К. Исқандарова (483-Қомсомол сайлов округи), У. Асадов (170-Ноғон сайлов округи), И. Т. Сорокин (456-Ленинград сайлов округи), М. Ёгамбердиев (107-Пахтабод сайлов округи), О. Сўлпиева (128-Қушки сайлов округи), Т. Исломов (87-Қўрол сайлов округи), Х. Исроилов (213-Дўстлик сайлов округи), Р. Раҳмонов (196-Ибн Сино номи сайлов округи), Н. Холмирова (357-Ўқдўрғон сайлов округи), Я. А. Илмиди (241-Муборак сайлов округи), А. Рустамов (454-Муқобод сайлов округи), В. С. Желонкина (399-Янгиер сайлов округи), А. Мамажонов (282-Шоҳанд сайлов округи) қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўрин-

босари, республика Госплани раиси депутат Қ. А. Аҳмедов, Ўзбекистон ССР Молия министри депутат В. Муродхўжаев яқундаги нутқ сўзладилар.

Олий Совет 1983 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани тўғрисидаги қонунини ҳамда 1982 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани қандай бажарилаётганили ҳақидаги қарорини бир овоздан қабул қилди. Ўзбекистон ССРнинг 1983 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги қонун ва Ўзбекистон ССРнинг 1981 йилги Давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги қарор бир овоздан қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети энергетика доимий комиссиясини тuzди. Комиссия составига 21 депутат сайланди. Депутат Ф. Х. Қодиров комиссия раиси қилиб сайланди. Илгари сайланган доимий комиссияларнинг составида айрим ўзгаришлар қилинди.

Депутатлар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари депутат Г. Қ. Қайдарова докладыни тингладилар.

Олий Совет ўз муҳокамасига тақдим этилган фармонларни тасдиқлади, тегишли қонунлар ва қарорлар қабул қилди.

Шу билан ўзини чақирқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси ўз ишини тугаллади.

ЧОРВАДОРЛАРНИНГ СИНОВ КУНЛАРИ

ҚУВОНЧЛИ ва ажойиб воқеаларга бой бўлган кутлу юбилей йилини ҳар бир соҳада юксак кўрсаткичлар билан яқинлаш совет кишлоқларининг эзгу ниятидир. Улар ана шу олиқнаҳоб мақсад кўлида зўр матонат, жасорат ва фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш йўлида салмоқли ютуқларини қўлга киритмоқдалар. Бунини пойтахт об-ластининг кишлоқ хўжалиги меҳнатчилари олиб бораётган ишлар мисолида ҳам яқин кўриш мумкин.

Айниқса пахтакорларимиз ҳаммани койил қолдирдилар. Улар гўяда кийини об-ҳаво шароитида ҳам «оқ олтин»дан мўл ҳосил этиштириш, уни уюшқоқлик билан янгиб олиб, бир неча йилдан буён қарор топган ва партия ҳукумати-мизнинг юксак баҳосига сазовор бўлган «Тошкент техноло-гиясининг куч-қудратини, ўз аҳдларига бўлган садоқатла-рини, интернационал бурчларини яна бир бор намоиш эт-дилар.

Сабзавоткорлар, поличилар, боғбонлар ҳам беш йиллик иккинчи йил топириқларининг муваффақиятли бажарили-шига катта ҳисса қўшдилар.

СССР Озқ-овқат программасининг бажарилишига азамат чорвадорлар ҳам катта улуш қўшмоқдалар. Давлатга чорва-чилик маҳсулотларини топириш ўтган йилдаги қарағанда ан-ча жадал суръатлар билан бормоқда.

Кўни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг VIII пленумида КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорлари асосида деҳқончилик ва чорвачилик-ни янада ривожлантириш соҳасида республика партия таш-килотининг вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама этилди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоли-гига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг шу Пле-

нумда қилган докладыда чорвадорларимиз олдида ҳам тўш, сўт, туҳум ва бошқа маҳсулотларни этиштиришни кес-кин кўпайтириш юзасидан янги вазифалар қўйилди, шу бил-лан бирга хўжалик раҳбарлари, мутахассисларнинг диққат эътибори ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларга қаратил-ди. Шу бонс бу вазифаларни муваффақиятли бажариш ва чорвачиликнинг жадал юксалтиришга эришиш гўят катта аҳа-миятга эгадир.

1982—1983 йил план ва социалистик мажбуриятлари эса гўят шарафли, мураккаб ва салмоқлидир. Ҳар бир район, хўжаликда чорва бош сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш лозим. Шунинг учун ҳам кишлоқнинг муваффақиятли яқинлаш учун барча имкониятларини, резервларини ишга со-лиш талаб этилади. Областида бу вазифани муваффақиятли адо этилишига қаратилган қатор тадбирлар қўйилди. Бу та-дбирларнинг асосий моҳияти — чорва биологларини сифатли ремонтдан чиқариш, мўл-кўл, хилма-хил озуқа жамғариш, мутахассисларнинг, ферма ходимларининг маъсулиятини ошириш, ҳар бир хўжаликда озуқа цехларини тўла қувват билан ишлатиш таъминлашга қаратилган.

Илгор районлар, хўжаликлар бу соҳада катта тажриба тўп-лаганлар ва улар бу тажрибаларини янада бойитиб, ибрат-ли ишларни амалга оширмоқдалар. Бу жихатдан Калинин ва Тошкент районларидagi кўпгина хўжаликлар. Коммунистик раёондаги «Правда», Бўка районидagi «Октябрь» 40 йилли-ги, Янгиёул районидagi «Коммунизм» колхоз, Оқангори районидagi «Оқангори» совхоз чорвадорларининг ишидан ўрнак ола аранки. Бу хўжаликларда кишлоқ учун мўлжал-дагидан анча кўп ем-хашак жамғариб қўйилган. Энг муҳи-м шунки, биологлар яхши соғланган, кишлоқ дари учун маҳ-сус тадбирлар ишлаб чиқилган. Бу тадбирларда ходимлар-нинг зиммаларидagi вазифалар анқ қўрсатилган. Айниқса, ем-хашак цехларидан унумли фойдаланишга катта аҳамият берилмоқда.

Вазифа ҳар бир хўжаликда ишин ана шу илгор тажриба-

лар асосида ташкил этиб — қиш даврида ҳам соғин сигир-лардан ёздагидек мўл-кўл сўт соғиб олиш, бўрдоқига қўйил-ган молларнинг яхши семирлигини таъминлашдан иборатдир.

Афсуски, бу соҳада ҳамма ерда ҳам ишлар йўлга қўйил-ган деб бўлмайди. Айрим ерларда чорва биологари сифатли ремонтдан чиқарилмаган, ем-хашаклар кишлоқ жойларига яқин қўйилмаб қўйилмаган. Цехларнинг иши пала-партиш ташкил этилмади. Афтидан бундай хўжаликларнинг раҳбар-лари кишлоқнинг енгил келишига уяиб боғланган бўлсалар ке-рак. Бундай деб ўйлаш нотўғридир. Табиғатдан марҳамат-ку-тиб бўлмайди. Қиш кишлоқнинг қилмоқда, Асл чорвадор ҳар қандай қийинчиликларни енгишга шай туриши керак.

Ҳозир чорвачилик фермаларида асосий ва иккинчи дара-жали иш йўли. Фермадаги меҳнатнинг ҳар бир соҳада унум-ли, самарали, фойдали бўлиши, у ерда меҳнат қилаётган ҳар бир касб алапарининг ғайрат-шиқоватига, ўз бурчларига садоқатига боғлиқ. Фермадаги ҳар бир бўйин, ҳар бир тар-моқ ишини пишиқ-пўхта ва аниқ ташкил этиш гўят муҳим вазифадир. Шу тўғрйли моддий рағбатлантириш тадбирлари қўйилганда асосий ва ёрдамчи ходимлар — сўт соғувчи, мол боқар, ем тарқатувчи, селарь-электриклар меҳнатига ҳолис баҳо бериш лозим. Бу тадбир ҳеч сўзсиз фермада меҳнат кўтаринкилигини таъминлайди, ишга оғил ва икки-бий муносабат, ўзаро ҳамкорлик вазиётини вужудга келти-ради. Резервлардан, техникадан, вақтдан унумли фойдала-ниш, илгорлар тажрибасини амалда жорий этишда бу гўят катта аҳамиятга эга бўлади.

Хўжалик раҳбарлари, партия ва совет ташкилотлари фер-маларда ишининг ташкил этилишини вақт-вақти билан таҳлил этиб, ютуқларини қайд қилиш билан бирга камчиликларни тугатиш учун амалий ердан беришлар керак. Чорвадорлар учун энг қулай иш шaroитларини яратиб бериш, уларга ма-данний, маъшый хизмат кўрсатишни юксак савияда йўлга қў-йиш, моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг энг прогрес-сив усулларини жорий этиш — кишлоқнинг муваффақиятли ўт-казилишини таъминлайди. Чорвадорнинг ғайратига ғайрат қўшади, мажоратини оширади, тажрибасини бойитади. Чорва-дор ўз ишига ихлоос қўйган, кўнгил билан меҳнат қилган жой-дагича ем-хашакдан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйилмайди. Бундай фермаларда техникадан ҳам самарали фойдаланилади. Комплекслар иши бир маромда йўлга қў-йилди. Буларнинг ҳаммаси оқибат натижада белгиланган план ва социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли ба-жарилишига ёрдам беради.

Шунинг учун ҳам кадрларни топиришдан иш учун юксак

масъулият ҳисси руҳида тарбиялаш колхоз ва совхоз раҳ-барлари партия ташкилотларининг муҳим вазифасидир.

Бу йилги шаронгта жамғаришган ем-хашаклардан ишининг кўзини биллиб оқишга, сира ҳам нушўрдга чиқармай фой-даланиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир фермада озуқа запаслари қатъий ҳисобда бўлиши. Қиш даврида соғин сигирларини, бўрдоқига қўйилган моллар, бўзоқларни маҳ-сус ва олдиндан тuzилган раёон асосида боқиш — катта фойда келтиради.

Чорва қишлоқнинг уюшқоқлик билан ва намунали ўтказиш фақатгина колхоз ва совхозларнинггина эмас, балки агро-ноқ комплекс ва бошқа тармоқларнинг муҳим ишидир. Бу ишга техника, химикатлар, ёқилги мойлаш материаллари билан таъмин этиувчилар, электр қуввати, фермадаги ускуна-ларини монтаж қилувчи, жиҳозловчи ташкилотлар ҳам ўз ҳиссаларини қўйишлари керак. Чунки ҳамкорликда қилинган иш—ҳамма вақт баракали, салмоқли бўлади. Қўтирилган нати-жага эришиш осон кўчади.

Шу кунларда ферма мутахассислари зиммасига катта масъулият қўйилган. Қиш даврида паррандачилик фаб-рикалари ходимлари, экинча, хушбўй билан меҳнат қи-моқлари лозим. Электр ва иссиқлик қурilmаларининг бир мезбўрда ишлатиши, тоналарда муътадил ҳароратни таъмин-лаш зарур. Бу соҳадаги лоқайдлик, эътиборсизлик оқибатда катта эъён келтириш деган гап.

Ферма таъминларининг ўзлари бажараётган, амалга оши-раётган ишларидан манфаатдорликларини ошириш — гўят ишчилик иқтисодий воситадир. Ҳар бир колхоз ва совхозда маҳаллий шаронгин ҳисобга олган ҳолда сўт соғувчилар, мол боқарлар, бўзоқ боқарлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг ил-гор усулларини жорий қилиш лозим. Масалан, сўт соғувчи меҳнатига фақатгина соғиб олаётган сутнинг миқдори, ёқ-иқлик даражасигагина қараб эмас, балки, бириктилган си-гирлардан қанча бўзоқ олиняётганили ва бу бўзоқлар қандай сақлаб қолняётганилига қараб ҳақ тўлаётган хўжа-ликлар жуда тўғри иш қилмоқдалар.

Ҳар бир хўжаликда ишин КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Ко-митетининг «1982—1983 йил қиш фаслида чорва қишлоқини муваффақиятли ўтказиш, чорвачилик маҳсулотлари этишти-риш ва харид қилишни кўпайтириш учун Бутуниттифок со-циалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарори асосида ташкил этилиши.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари,
республика Госпланининг раиси депутат К. А. АХМЕДОВ доклади

манбалари ва резерваридан самарали фойдаланиш, хўжалик механизмидаги барча бўғинларнинг пухта ишлашини таъминлаш — ана шу масъулиятли вазифани ҳал этишнинг мустаҳкам негизидир.

Ўзбекистон ССР меҳнат-кашлари партия ташкилотларининг раҳбарлигида беи

пиллиқнинг учинчи йилида
яғни меҳнат зафарларига
еришадилар. КПССнинг
XXVI съезди ва Ўзбекистон
Компартиясининг XX съезди
қўйган вазифаларнинг сўз-
сиз бажарилишини таъмин-
лайдилар, деб ишонч билди-
ришга ижозат бергайсиз.
(Қарсаклар).

